

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТОШКЕНТ-ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ НИГОҲИДА:
ЎТМИШДА ВА ҲОЗИР”**

ИЛМИЙ - АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ



ТОШКЕНТ-2009

МУНДАРИЖА

Д.Бобожонова. Тошкентнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни.....	3
Г.Боқиева. Европада таълим ислоҳотлари.....	5
О.Мусурмонова. Узлуксиз таълим тизимида ёшлар таълим-тарбиясини такомиллаштиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг баъзи педагогик хусусиятлари.....	7
Х.Мухитдинова. Тошкент шаҳри топонимларининг талаффузи ва имлосида интерференцияни бартараф этиш.....	11
Л.Шукурова. Тошкент 2200 ёшда – фахрланишга арзигулик пойтахт.....	13
Р.Сайфуллаева“Аёлни улуғламоқ, ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир” (И.Каримов).....	16
Д.Рўзиева. Ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш мазмуни.....	19
Н.Жўраева. Маърифатга интилган Тошкентлик аёллар тарихидан.....	21
Н.Бобожонова Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрининг пойтахт сифатидаги ўрни	24
Н.Толибоева. Кўҳна Тошкент	25
С.Умарова. Тошкентлик олима салоҳияти.....	27
Д.Собирова. Хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволи: кеча ва бугун.....	29
Д.Мадаминова Тошкент шаҳрининг Миср Араб республикаси олий ўқув юртлири билан маданий алоқалардаги ўрни.....	31
Е. Баяндурова. Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрининг маданий тараққиёти.....	34
К.Рискулова. Роль неправительственных организаций в формировании культуры здорового образа жизни у женщин-студенток.....	35
Ф.Аскарлова. Изучение истории Мирзо-Улугбекского района города Ташкент и массива Кара-су.....	38
Д.Матякубова. Понятие о плохом и хорошем учителе.....	41

Г.Атаханова.Вербальные репрезентации концепта «возраст» в языковой картине мира.....	43
Н.Тухтаходжаева. Чет тили ўқитишда Интернет ресурсларининг урни.....	44
Г.Хакимова. Қардош бўлмаган тиллардаги мақол ва ибораларнинг компонентларига доир.....	47
М.Саидова, Н.Мавлянова Н. Условия и факторы влияющие на формирование коммуникативных функций высказывания.....	48
Р.Маджидова. Антропоцентрические пословицы как объект сопоставительной типологии и лингводидактики.....	51
Х. Ибрагимова Х.Когнитив тилшуносликда тил тузилишининг шаклланиши ва унинг муаммолари.....	52
К.Отабекова.Методы выявления семантического поле величины в английском языке.....	54
З.Ачилова.Испан тилида дериватсия.....	56
З.Ачилова.Тил кишилик алоқасининг энг муҳим воситаси сифатида.....	60
З.Айтуганова. О некоторых принципах построения интегрированного вводно-коррективного курса по французскому языку.....	62
Д.Аллаберганова. Сўзнинг информатив ҳажми таржима муаммолари сифатида.....	64
Д.Мирсагатова. Семантическое развития скандинавских заимствований в английском языке.....	67
М.Умарова.Заимствование и перевод - два аспекта межъязыкового взаимодействия.....	70
С.Бегматова.Инглиз тили дифтонглариининг Америка ва Британия вариантларида бир фонемлилик ва икки фонемлилик масалалари.....	72
Х.Музаффарова.Барча билимлар бирлашмасини (Integrated skills) амалий фанлар учун қўллаш.....	75
У. Джалилова, З.Тогаева. Семантика концепта «женщина» в английской языковой картине мира.....	77
К.Кучкарова, Н.Собирова Мононегативные предложения в испанском языке.....	79
А.Касимова. Проблемы слушания и их решение	83

ТОШКЕНТЛИК ОЛИМА САЛОҲИЯТИ.

С.Умарова

XX асрда ўзбек навоийшунослик соҳаси ривожланди. Алишер Навоий ижодиётини чинакам илмий тадқиқ қилишда ўзбек адабиётшунослари эришган муваффақият гоят ибратлидир. Навоий-шунос олимлар орасида Беруний мукофоти совриндори, давлати-миз томонидан “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган профессор Суйима Ғаниеванинг ўт ўрни бор.

С. Ғаниева 1932 йили 20 февралда Тошкентда дунёга келди. 1947-1952 йилларда Ўрта Осиё давлат университетининг шарқ факультети эрон бўлимида таълим олди. 1953-1956 йилларда Ленинград давлат университети шарқ факультети аспирантурасида таҳсил кўрди. 1956 йилда “Мажалос ун-нафоис” асари (илмий-танқидий матни, таржима) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. С.Ғаниева 20та китобни рисолалардан ташқари, тўнлаб ва ойномаларда 120 дан ортиқ

мақолалар ҳамда сўзбоши-лар, рўзномаларда 200 дан ортик мақола ва тақризлар эълон қилган.

С.Ғаниева илмий фаолиятида “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матни тайёрланиши алоҳида ўрин тутлади. Айниқса, олиманинг асар 1490-1491 йилда ёзилган, 1498 йилда эса, шоирнинг ўзи тазкирани иккинчи марта қайта ишлаб таҳрир этган, деган илмий хулосаси аҳамиятлидир. С.Ғаниева иккинчи таҳрир пайтида “Мажолис ун-нафоис”га киритилган маълумотларни биринчи таҳрир матни билан ўзаро муқояса қилади. Иккинчи таҳрир Навоийнинг ўзи амалга оширган деган фикрни илмий далиллайди. С.Ғаниева тазкиранинг илмий-танқидий матнини тайёрлашда унинг 6 қўлёзма –Вена, Париж, Ленинград, Боку ва иккита Тошкент нусхаларини асос қилиб олган¹. Олима танқидий матн тайёрлашда бу қўлёзмалардан ташқари яна бир қанча нусхаларни илмий ўрганади. Лекин бу қўлёзмалар тўла бўлмаганлиги, саводсиз ва чалкаш кўчирилганлиги, камчиликлар мавжудлиги учун матн тузишда С.Ғаниева фойдаланишни жоиз деб билмайди. “Илмий-танқидий матн тузишдан мақсад асарнинг ҳар қандай шубҳа ва нуқсонлардан холи бўлган мустақкам ва ишончли, имкони борича муаллиф қалами остидан чиққан нусхасини тиклаш ва уни ўқувчиларга ҳамда тадқиқотчиларга етказишдир”,-деб ёзади С.Ғаниева². Илмий-танқидий матни тайёрлашда таянч нусха сифатида Вена нусхаси олинган. Ушбу қўлёзма энг тўлиқ ва қадимий нусха ҳисобланиб, 903/1497-98 йили кўчирилган. Лекин қўлёзма нусхаларнинг барчасига олима танқидий муносабатда бўлиб, танқидий танлаб олиш принципи асосида иш олиб боради. “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий- танқидий матнини кенг жамоатчилик эътироф этади. Р.Воҳидов “Мажолис ун-нафоис” асарини ўрганишда, унинг илмий-танқидий ва оммабоп нашрларини тайёрлашда Суйима Ғаниеванинг хизматларини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. С.Ғаниева, шунингдек, “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилиш тарихи, адабий-эстетик аҳамияти, таржималари устида ҳам муҳим фикрлар билдирган”,-деб ёзади³. Турк адабиётшуноси Камол Эраслон “Мажолис ун-нафоис”нинг сўзбошисида С.Ғаниеванинг Навоий тазкирани 1491 йили ёзиб, 1498 йили қайта тўлдирган деган илмий хулосасини қувватлайди. 1962

¹ Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг илмий-танқидий матни.-Г. Ғани, 1961.-Б.24-27.

² Суйима Ғаниева “Мажолис ун-нафоис” асарининг илмий-танқидий

³ Р.Воҳидов. “Мажолис ун-нафоис”нинг таржималари.-Г. Ғани,1984.Б.5

йили Берлинда Ирмгард Энгелке томонидан нашрга тайёрланган “Мажолис ун-нафоис”нинг немисча матни тазкиранинг 1961 йилги ўзбек тилидаги илмий-танқидий матни асосида чоп этилган. 1968 йили Кобулда Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Журжоний томонидан тайёрланган “Девони Султон Хусайн Мирзо” китобида ҳам “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матнидаги 8-мажлиси тўлалигича берилган¹. 1991 йил 7 июнь куни олиманинг саъй-ҳаракати билан Навоий дастхатининг микрофильми Техрондан Тошкентга олиб келинди.

Хуллас, “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий нашри Навоий асарларининг етук нашр намунаси бўла олади. С.Ғаниева тадқиқотларида кўтарилган масалалар махсус ўрганиш, олиманинг илмий фаолиятини монографик жиҳатдан ёритишни талаб этади. Биз бу ўринда олима фаолиятининг матншунослик қиррасига эътибор қаратдик, холос.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ АҲВОЛИ: КЕЧА ВА БУГУН

Д.Собирова

Маълумки, совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг ҳукмронлиги йилларида маънавий-сиёсий, мафкуравий иккаҳоқимлик туфайли тарихчи олимларнинг ҳақиқатни ёритиш имконияти йўқ эди. Миллий истиқлол йилларида Ватанимиз тарихини ҳаққоний, илмий асосда ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Хусусан, 70 йилдан ортик давр ичида халқимиз бошидан кечирган маънавий тазйиқларнинг ўзбек хотин-қизлари ижтимоий ҳаётига таъсири, совет тоталитар тузумининг маҳаллий миллат хотин-қизларига бўлган муносабати масаласи ўзининг илмий асосланган талқинини кутаётган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов айтганидек: «Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ

¹ Девони Султон Хусайн Мирзо Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Журжоний -Кобул: Давлат илмий нашриёти, 1968.Б.3-46.